

**Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясида маҳалла, оила ва
мактабгача таълим ташкилотининг бекиёс ўрни**

**Неоценимая роль махалли, семьи и дошкольной образовательной
организации в воспитании детей дошкольного возраста.**

**The invaluable role of the makhalla, family and preschool educational
organization in the upbringing of preschool children.**

**Ш.А.Буранова - Мактабгача таълим
методикаси кафедраси ўқитувчиси,
ЖДПИ**

Аннотация: Ушбу мақолада оила, маҳалла ва мактабгача таълим ташкилотининг бола таълим –тарбиясида узвийлигини таъминлашдаги ўрни ва бекиёслиги ҳақида фикрлар билдирилди .

Калит сўзлар: Оила, таълим, тарбия, бола шахси, оиланинг иштироки, ҳамкорлик, узвийлик.

Аннотация: В этой статье отражается информация о роли и уникальности совместной работы махалли, семьи и дошкольной образовательной организации в образовании и воспитание ребёнка.

Ключевые слова: Семья, образование, воспитание, личность ребёнка, участие семьи, сотрудничество, непрерывно.

Annotation: This article reflects information on the role and uniqueness of the joint work of the mahalla, family and preschool educational organization in the education and upbringing of a child.

Key words: Family, education, upbringing, child personality, family involvement, cooperation, continuous.

Кириш

Юртимизда ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун кенг имкониятлар яратилиб, кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Оналар ва болаларнинг ижтимоий муҳофазаси, соғлом оила муҳитини, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болаларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, уларни спортга, қўшимча таълимга жалб этиш, соғломлаштириш ва профилактик тадбирлар, касбга йўналтириш, ҳар тарафлама уйғун ривожланган етук шахсни тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар эътиборга моликдир. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёдаги бирорта давлат эртанги кун эгалари бўлган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти учун уларнинг замон талабларига мос билим олиши, қобилияти ва иқтидорини эркин намоён қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш билан биргаликда доимий диққат марказида тутишида, қайғуришида Ўзбекистонга тенглаша олмайди. Бу ҳақиқатни бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этганлигини таъкидлаш ўринлидир. Айти пайтда дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари барчамизга янги вазифалар юкламоқда. Шундай вазифалардан бири – ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик каби хислатлар билан бирга юксак маънавият эгаси бўлиш ҳамда бошқа миллатларга нисбатан ҳурмат билан қарайдиган, инсоний қадр-қимматни ва миллий урф-одатларни эъзозлайдиган инсонлар қилиб тарбиялашдир.

Асосий қисм

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизими юксак суръат билан ривожланиб бораётган бир пайтда ёш авлод зиммасидаги маъсулият ҳам ортмоқда. Уларга берилиши лозим бўлган билим йил сайин ҳажми ортмоқда. Болаларни мактабгача таълим давридаёқ мактабга сифатли тайёрлаш, илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишига қўйиладиган давлат талабларининг бешта соҳаси бўйича ривожлантириш таълимнинг янги шакллари асосида таълим-тарбия бериш амалга оширилмоқда. Бунда бола ривожланишининг ўзига

хослигига доир жиҳатлар, яъни болалар қизиқишларига жавоб берувчи фаолият турлари, уларнинг ижтимоий ва ҳиссий етуклик даражаси назарда тутилади. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиси ва ота-онанинг, маҳалланинг ўрни шундан иборатки, болаларнинг қизиқиши, қобилияти ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда уларга мақсад қўйиши, болаларнинг табиий қизиқишларини қўллаб-қувватлаши, уларда борлиқни биргаликда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиришлари керак. Модомики, ҳар бир инсон интеллектуал салоҳиятининг қирқ фоизи у дунёга келган дастлабки йилларда шаклланар экан, сифатли мактабгача таълим олган бола келажақда кўп имкониятларга эга бўлади, шунинг учун уларга ёшлигиданок эътиборимизни қаратмоғимиз зарур. Бунда маҳалла, оила ва мактабгача таълим ташкилотининг ҳамкорлик тизими ишларини ривожлантириш болага сифатли мактабгача таълим беришга пойдевор бўлади.

Ҳалқимизда азал-азалдан «Маҳалла - Ватан ичра Ватандир», «Отанг - маҳалланг, онанг – маҳалланг»,- деган ҳикматлар бежиз тилга олинмаган ва уларга изчил риоя қилиниб келинган. Дарҳақиқат, маҳалла - фуқароларни, биринчи навбатда, болаларни одоб-ахлоқ, ор-номус, бирдамлик, умуман миллий анъана руҳида тарбиялаш ўчоғидир. “Оила – маҳалла – мактабгача таълим ташкилоти ҳамкорлиги” ни мустаҳкамлашда маҳалла посбони, диний маърифат ва маънавий - ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин - қизлар билан ишлаш комиссияси ҳамда жамоатчилик назоратининг ўрни катта аҳамият касб этади. Агар маҳаллаларда оила-маҳалла, таълим ташкилотлари ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилса, болалар ёмон йўлга кириб кетиши эҳтимоли камаяди. Демак, ота - она жамиятнинг асоси бўлган оиланинг етакчи аъзолари, вояга етмаган фарзандлари учун давлат ва жамият олдида илк масъул бўлган шахсдирлар. Маълумки, миллий қадриятларимизга кўра бува, буви, ота-она, ўғил-қиз фарзандлар аҳил, тинч яшаётган оила-мустаҳкам оила ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, барча давлат ва жамоат ташкилотлари биргаликда жипслашиб, ҳамкорликда фаолият олиб борсалар, улар фаолиятидаги иш самарадорлиги кўлами янада

кенгайишига шубҳа йўқ. Уларнинг ҳар бирининг ўз иш йўналишлари мавжуд бўлса-да, лекин пировард мақсадлари яқдил, яъни маънан ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш ва уларнинг фаровонлигига эришишдир. Хусусан, соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб улғайиши кўпгина талаб ва омилларга боғлиқлиги, айнан соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг ўрни катта. Ушбу шарафли ва масъулиятли ишларни амалга оширишда “Оила – маҳалла – мактабгача таълим ташкилоти” ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Натижа ва муҳокама

Бугунги кунда психологик илмда ҳам бола хулқ-атвори ва руҳиятининг шаклланишида мактабгача таълим ташкилотлари билан маҳалла, оиланинг ҳамкорлиги етакчи муҳим ўрин эгаллайди. Асосий масалалардан бири ана шу ҳамкорликни янада такомиллаштириш, фан ва илмий тадқиқотларда қўлга киритилган натижаларни амалиётга жорий этишдир. Бола шахси ривожланишида “мен” тушунчасининг пайдо бўлиши, унинг ўзи ва ўз фазилатлари тўғрисидаги тасаввурлари дастлаб оила тарбиясидан бошланади, мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячилар, маҳалла жамоатчилиги ёрдамида эса ушбу тасаввурлар янада кенгайиб, комил шахс фазилатлари ривожланиб боради. Мактабгача ёшдаги бола шахси ижтимоийлашуви жараёнида унинг ўзи тўғрисидаги тасаввурлари тизимининг шаклланишида оила омилининг роли шундаки, бунда асосий шакллантирувчи механизм оиладаги маънавий-руҳий муҳит, ота-она ва яқинларининг ўзаро муносабатларидан ташқари ота-онанинг фарзандга бўлган муносабатлари ва болани комил инсон этиб тарбиялаш тўғрисидаги билимлари муҳим ўрин тутди. Демак, боланинг ўзини, ўз шахсини, қайси бир жинс вакили эканлигини англаши ва ҳаётий тасаввурларининг шаклланишида ота-оналик муносабатларининг уйғунлашган бўлиши катта аҳамиятга эга. Нормал ривожланаётган болалар мактабгача таълим ташкилотларларида катта ҳаётий тасаввурларга эга бўлиб бордилар, бу

ердаги таълим ва тарбиянинг самарадорлиги оила билан ҳамкорликка таяниши барчага маълум. Кўплаб халқларда қайси ёш даврида болаларга қандай муомала қилиш ҳақида маълум тасаввурлар шаклланган. Ана шу тасаввурларнинг ҳаммаси бир нарсани таъкидлайдики, бола шахси таракқиёти ундаги турли сифатларнинг шаклланиши учун энг масъулиятли давр бу боланинг 5-6 ёшгача бўлган даври, яъни илмий психологик тил билан айтганда мактабгача ёш даври ҳисобланади. —”Куш уясида кўрганини қилади” деганларидек бола оилада нимани ўзлаштирса, ҳаётда ҳам шу тажрибани қўллайди, яъни шафқатсизлик қилсак шафқатсизликни, қўполлик қилсак қўполликни, бефарқлик қилсак бефарқликни, лоқайдлик қилсак лоқайдликни. Фарзандни дунёга келтириш билан бир қаторда унинг тўғри тарбияси, иймон-этиқодли бўлиб тарбияланиши ота-онанинг юксак масъулиятни ҳис қилишига бевосита боғлиқ. Тарбиянинг мазмуни энг яхши ўзбек оилаларида амал қилган ва амал қилаётган тарбиянинг мазмуни маҳалла, оила ва мактабгача таълим ва тарбиясидан келиб чиқади. Бу борада қадимги Хитой илоҳиётчиси, мутафаккири Конфуций “Ота-оталигича, фарзанд-фарзандлигича, дурадгор-дурадгорчилигича бўлиши лозим”, - деганда мутлақо ҳақ эди. Инсонни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш башариятнинг азалий орзуси бўлиб келган. Таълим-тарбия тизимида оила маънавияти, ундаги ота-онанинг ўрнига аждодларимиз алоҳида эътибор қаратганлар. Бу борада Амир Темур ўзига хос алоҳида мислсиз ўрин эгаллайди. Амир Темур ҳукмронлик йилларида Самарқанд, Ҳирот шаҳарларида маданият, илм-фан ривожланди. Соҳибқирон одоб-ахлоқ, имон, эътиқод, таълим-тарбия соҳасида юксакликка эришган сиймолардан ҳисобланади. Бунинг исботи Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, яратган одоб-ахлоққа оид дастурлари, ўғитлари, панд-насихатлари, ҳамда, соҳибқирон ҳақидаги ёзилган тарихий манбаларни, асарларни ўқиб чиқиш етарли.

Хулоса

Шундай қилиб, болаларнинг таълим-тарбиясида маҳалла жамоатчилиги, оналар ва мактабгача таълим мутахассислари ўз таъсирининг аҳамиятлилигини ва уни тўғри ташкиллаштириш учун фаол иштирокчилар эканликларини қалбан ҳис этишлари лозим. Ҳамкорлик - илк болалик даврида маҳалла, ота – оналар ва мактабгача таълим ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Buronova, S. (2021). ВЗАИМОСВЯЗАННАЯ РАБОТА СЕМЬИ, МАХАЛЛИ И ВОСПИТАТЕЛЯ ДОО В ВОСПИТАНИИ РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ. *Мактабгача таълим журнали*, 3 (Preschool education journal).
2. Buronova, S. (2021). Партнёрство с семьёй, махаллёй как условие повышения качества дошкольного образования. *Мактабгача таълим журнали*.
3. Buranova, S. (2020). МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ВА ОИЛАДА БОЛА ШАХСИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
4. Буранова, Ш. (2019). Развитие преемственности махалли, семьи и дошкольного образовательного учреждения. *Дата публикации*, 5, 17.
5. Gulnora Kushakova, Мактабдаги ёшдаги болаларни толерантлик руҳида тарбиялаш , Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №58 (science.i-edu.uz, jspi.uz)
6. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ YOSHIDAGI BOLALARNING МАКТАВ ТА’ЛИМИГА АХЛОҚИЙ ТАҲРОҚАРЛИГИНИНГ МЕЗОНИ
M Norquziyeva - Мактабгача таълим журнали, 2021
7. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ YOSHIDAGI BOLALARNING МАКТАВ ТА’ЛИМИГА АХЛОҚИЙ ТАҲРОҚАРЛИГИНИНГ МЕЗОНИ
M Norquziyeva - Мактабгача таълим журнали, 2021
8. Maxfuza. (2021). OILA VA МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ TASHKILOTLARINING O’ZARO HAMKORLIGI SHAKLLARI. *Мактабгача таълим журнали*, 1(1). Retrieved from <https://presedu.jspi.uz/index.php/presedu/article/view/3063>